

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 146 (10.451)

2005 ЙИЛ 28 ИЮЛЬ

ХАЛҚНИ БУНЁДКОРЛИК УЛУҒЛАЙДИ

Энг улуг, энг азиз байрамимиз - Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги нишонланадиган санага санокли кунлар қолди. Истиқлол айёми арафасида мамлакатимизда янги иншоотлар, замонавий кўприklar, равон йўллар, муҳташам иморатларни ишга тушириш яхши анъанага айланган.

Бу йил ҳам пойтахтимиз Тошкентда қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари авжида. Шундай кенг кўламли қурилиш ишлари Чорсу ва унга туташ Эски Жўва майдонида жадал давом этмоқда.

Эски Жўванинг Сағбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодир кўчалари кесишган жойида икки бино - Болалар бадий ижодиёти уйи ва Ўзбек либослари галереяси қад ростламоқда.

27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов бу ерда бўлиб, амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Болалар бадий ижодиёти уйининг қурилиши жорий йилнинг 1 июнида бошланган. Президент уч қаватли ушбу бинодан жой оладиган эстрада-вокал студияси, киностудия, компьютер синфи, бадийи кашта ва зардузлик тўғараги, миниатюра тўғараги, тасвирий санъат студияси, кутубхона ва мажлис залли учун мўлжалланган хоналарни кўздан кечирди.

Бинонинг тоmidан томоша майдончаси ўрин олади. Бу ердан шаҳарнинг қафдагидек яққол кўриниб туриши ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига ҳайрат ва қувонч бағишлаши табиий.

— Бу жой Тошкентнинг қоқ марказидир, — деди Ислон Каримов. — Томоша майдончасининг тўрт томонига байроқлар ўрнатиш лозим. Бундан мақсад бу ерга томошага кўтарилган ҳар бир одам ўзини наинки пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг марказида турганини ҳис этсин.

Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга бинони безашда ажодларимизнинг қадимий анъаналарига таяниб иш тутиш, хусусан, унинг гумбаз ва пештоқларини Амир Темура мақбараси ҳамда Тиллақори мадрасасининг меъморий ечимидан келиб чиққан ҳолда тақомилига етказиш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Президентимиз шуни таъкидладики, қурилиш ишларида, аввало, шу яқин атрофда истиқомат қиладиган киши-

ларнинг, бунёдкорлик ишларини катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб келаётган, ўзларини ана шу ўзгаришларга дахлдор деб биладиган одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, биринчи навбатда, ҳамюртларимизнинг ҳаётини яхшилаш, кайфиятини кўтариш, уларда ўз юрти учун гурур ва ифтихор, ўз кўчига ишонч туйғуларини юксалтиришдек улуг мақсадларга қаратилгандир.

Мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудига жойлашган «Наврўз» саҳна мажмуида амалга оширилаётган реконструкция ишларини ҳам кўздан кечирди. Ушбу мажмуа улкан саҳна, металл конструкцияли минбар ва қарийб 10 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, ёритиш минораларидан иборат.

Ислон Каримов ушбу саҳна санъаткорларнинг чиқишлари учун қулай бўлиши, уни ёгин-сочин мавсумида авайлаб асраш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимиз Бешёғоч майдонида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва сифати билан ҳам қизиқди. Бу ерга аввалги ташрифи чоғида мутасаддиларга берган кўрсатма ва топшириқларининг ижросини таҳлил этди.

— Яқинда кўлга сув тўлдирилади ва ҳамшаҳарларимиз, айниқса, фарзандларимиз беамалол ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё этилади, — деди Ўртбошимиз бу ердаги ободонлаштириш ишлари юзасидан тавсиялар берар экан.

Давлатимиз раҳбари кўздан кечирган янги иншоотларнинг аксарияти Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Лекин кўчат ва ниҳоллар ўтказиш, кўкаламзорлаштириш юмушлари кейин ҳам давом этади. Президентимиз ўқирганидек, ҳар ишнинг ўз вақти ва мавриди бор.

Шунга эришиш керакки, эл-юрт манфаати йўлидаги бунёдкорлик ишларига дахлдор ҳар бир мутахассис, буюртмачи, пудратчи, қурувчи жонахон пойтахтимизнинг янада чирой очилиши ва обод бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшгани билан фахрлана олсин.

Мустақиллик майдони - Ватанимиз юраги. Бу муқаддас масканни зиёрат этиш юртдошларимиз ва мамлакатимиз меҳмонлари учун қўқур рамзий маънога эга. Зотан, халқимиз, миллатимизнинг асрий орзу-армони рўёбга чиқди - истиқлолга эришдик. Эндиликда озод Ўзбекистоннинг қоқ марказида янгиланган, мутлақо ўзгача қиёфа касб этган Мустақиллик майдони бутун кўрку салобати билан намоён бўлиб турибди.

Майдонга кираверишда Президентимизнинг яна бир ҳаётбахш ғосси рўёби бўлмиш Эзгулик аркаси бунёд этилаётди. Турмуш қураётган келин-куёвлар ўн олтига оппоқ мрамор устунларни туташтириб турган мана шу дарвоза остонасидан хатлаб, Мустақиллик майдонига қадам қўядилар. Шоҳона дарвоза тепасидан сайёрамиз тасвири узра парвозга шайланган жуфт-жуфт турналар, халқимизнинг қалби-дек, орзуларидек оппоқ лайлақлар жой олади.

— Эзгулик аркаси ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланишига ишонаман, — деди пировардида Ислон Каримов. — Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истакларсиз одамнинг ўзи йўқ. Истардимки, шу дарвоза остонасидан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлсин. Аслида, барча бунёдкорлик ишларидан кўзлаган мақсадимиз - эзгуликка хизмат қилишдир.

Зотан, ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни ўз қўли билан амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари улуғлайди.

**Ҳулом МИРЗО,
ЎЗА муҳбири**

XXI сағоси
аср
Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти олимлари, мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги сил касалликлари диспансерларининг бош врачлари, халқаро ташкилотлар, республика ДОТС маркази вакиллари иштирокида Қарши шаҳрида «ДОТС дастури — силга қарши қураш» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

● «Ўзбектегелефилм» студиясида «Академик Эдвард Ритвеладзе» номи янги ҳужжатли фильм суратга олинди. Жаҳонга машҳур олим ҳаёти ҳусусида ҳикоя қиливчи мазкур фильмнинг тақдироти республика Киночилар уйида 29 июлда ўтказилади.

● Жиззахда «Al-Samar-Tia» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши билан, Бахмал туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаيدиган корхоналар сонини бештага етди. Янги корхона мавсумда 1200-1300 тонна мева-сабзавот пореси чиқариш қувватига эга.

● Тошкентдаги «Le Meridian» меҳмонхонасида Жамила Раҳмондага кийимлари моделлари тўпламининг намоиши бўлиб ўтди. Моделер ўзининг дастлабки тўпламини «Севинч» деб номлади.

● Қарши шаҳрида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташаббуси билан тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун «Мини-технология-2005» номи кўргазма ташкил этилди.

● Ургут шаҳрида халқаро ва 64 катакли шашка бўйича Ўзбекистон чемпионати янги-ланди.



Жаҳонда

● Пхеньянда АҚШ, Жанубий Корея, КХДР, Россия, Хитой ва Япония иштирокида Шимолий Кореянинг ядро дастури юзасидан музокара-лар ўтказилмоқда. Музока-ралар давомида АҚШ ва Шимолий Корея ярашув баёнла-ри билан алмашишди.

● Европа Иттифоқи комис-сияси Афғонистонда жорий йилнинг 18 сентябрида ўтка-зилиши белгиланган парла-мент сайловларини назорат қилиш ва баҳолаш мақсади-да ушбу мамлакатга кузатув гуруҳини юборишни бошла-ганлигини билдирди.

● Италия сенати террор-чиликка қарши кураш доира-сида қуроли кучларнинг ас-кар ва зобитларига полиция вази-фаларини бажариш ва-колатини бериш тўғрисида декрет қабул қилди.

● Франциянинг шимолий қисмида — Бельгия билан чегара атрофида Мадрид шаҳрида ўтган йили амалга оширилган террорчилик ҳа-ракатларида иштирок эт-ганликда гумон билан икки шахс — ота ва бола ҳибсга олинди. Ҳозирда улар сўроқ қилиш учун Лилл шаҳрига келтирилди.

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни
Янгиликлар, воқеалар

Қўшқар

● **ШАЙХОНТОХУР** туман ҳокимлигида мамлакатимиз раҳба-рининг тадбиркорлигини ривожлан-тиришга қаратилган Фармонлари ҳамда Қарори моҳиятига бағишлаб уюштирилган тадбирда туман фа-оллари, тадбиркорлар иштирок этишди.

● **СОБИР** Раҳимов туманида-ги 11-мактаб капитал таъмирдан чиқарилиб, иссиқлик тизими, сан-техника, электр таъминоти қайта янгиланди, замонавий спорт зали бунёд этилди. Мактаб янги мебелъ

ва ўқув жиҳозлари, замонавий те-хнологиялар билан таъминланди.

● **ЭКОСАН** халқаро ташкило-ти томонидан экологлар, жамоат-чилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда экологияни ас-раш, бу борада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш чо-ралари муҳокама қилинди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Ма-даният» маҳалласида туман фаол-лари, хотин-қизлар кўмиталари ра-ислари иштирокида ўтказилган йи-гилиш ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётда хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш масалаларига ба-ғишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат санъ-ат музейида Фарбий Европа санъати бўлими экспозициясини реставрация қилиш ишлари ниҳо-ясига етди.

● **КЕЧА** Юнус Ражабий маҳал-ласида «Қамолот» ЕИХ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан маҳалла ёшлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ма-саласига бағишланди.

● **КЕЧА** «Мингўрни» маҳалла-сида беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ташкил этилган семинар «Қамолот» ЕИХ Миробод туман Кенгаши томонидан уюшти-рилди.

● **КЕЧА** Бўстонлиқ туманидаги «Зангори олов» оромгоҳида бўлиб ўтган «Қим эгчилу, қим чаққон?» интеллектуал ўйини «Қамолот» ЕИХ Яккасарой туман Кенгаши ташаб-буси билан ташкил этилди.

● **ЎТГАН** кунги Журноний ма-ҳалласида Тошкент Давлат мада-ният институти талабалари ҳамда

«Қамолот» ЕИХ Учтепа туман Кен-гаши ҳамкорликларида ёшларнинг мароқли хордиқ чиқаришлариға кўмак бериш мақсадида концерт дастури уюштирилди.

● **ҚАМОЛОТ** ЕИХ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда туман «Ола-» маркази ҳамкорликларида туманда-ги кам таъминланган оилалар фар-зандлари, ёш оилалар вакиллари учун ҳамширалик ҳамда укалал буйи-ча ўқув курслари ташкил этилди.

● **БУГУН** 328-мактабда «Боғи-шамол», «Миробод» ҳамда Абдул-ла Авлоний маҳаллалари жамоала-ри ўртасида кўчма оммавий спорт ўйинлари ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ҲАКАМЛИК СУДИ — ТАДБИРКОР МАДАДКОРИ

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узокни кўлаб амалга оширилаётган «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг нуфузи ва таъсири кундан-кунга ошиб бораётгани бунинг исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, одамлар онгида демократик қадриятларни муштахкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг қўлимини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Моҳият этибдори билан ҳалқчилликка асосланган, икки томон ўртасида юзага келган муаммони мurosаи маддори, ярашув йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилувчи ҳақамлик суди ҳам бу борада муҳим ўрин тутди. Шу йилнинг 14 июнида Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мазкур институт фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган.

— Ҳақамлик тушунчаси низои кўриб чиқишга ҳолис ёндошувчи, бу ишдан ҳеч қандай манфаатдорликни кўзда тутмайдиган томон, деган маънони англатади, — деди Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ҳузуридаги ҳақамлик суди раиси ўринбосари И.Анортоев

ўЗА муҳбирига. — Ҳақамлик суди давлат тизимига кирмайдиган махсус орган сифатида, иқтисодий низоларни ҳал этиш бўйича фаолият юритади. Ҳақамлик судини ташкил этиш бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий жамият талаблари га мосдир.

Айни шароитда турли ҳўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорлар иштирокидаги шартномавий муносабатларда мўйин низолар келиб чиқиши табиий ҳол. Бундай низоларни ҳал этишда тадбиркорлик субъектлари ва бирлашмаларнинг ўзлари томонидан ҳақамлик суди ташкил этилиши тарафларнинг ҳуқуқлари ва қўниий манфаатлари одиллона ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга. Боиси, бу жараёнда низо бўйича ҳақамлик судининг вазиятдан яхши хабардорлиги афлот қарор топишига хизмат қилади.

Қонунчилигимизда ҳақамлик судига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқлари суд, ҳўжалик суди ёки ҳақамлик суди томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган. «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги қонунда эса хорижий инвестицияларга оид низолар ҳўжалик суди томонидан қарор чиқариш йўли билан ёки тарафлар ўртасида музокаралар ўтказиш йўли билан, шунингдек, бу борада имзоланган ҳалқаро шартномада белгиланган қондалар ва процедураларга мувофиқ арбитраж, яъни ҳақамлик суди воситасида ҳал этилиши белгиланган.

Бундан ташқари, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга кўра, тарафлар ўртасида ҳўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида вўжудга келадиган низолар қонунда белгиланган тартибда ҳўжалик судида, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан эса — ҳақамлик судида ҳал этилади.

Ушбу асосларга таянган ҳолда мамлакатимизда ҳақамлик судига оид илк таърибга 2002 йилда асос солинди. Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ҳузурида ташкил этилган мазкур судда ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келган иқтисодий низолар кўриб

чиқила бошланди. Томонларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳолислик билан уларни келиштиришга ҳаракат қилувчи ҳақамлик судининг асосан ижобий яқун топишига эришди. Ўтган давр мобайнида элликка яқин иш кўрилган бўлса, уларнинг 90 фоизидан кўпи келишув ва ярашув асосида яқунга етказилди.

Ҳақамлик суди ишни кўриб чиқишининг тезлигини ва ҳолислигини таъминлаб, айни пайтда тижорат сирларининг қаттиқ сақланишини таъминлайди. Фақат юристлар эмас, балки ҳўжалик соҳасидаги турли тармоқларнинг юқори маълакали мутахассислари ҳам ҳақамлик судьялари бўлиши мўмкин. Улар тайинланмайдиган, балки уларни тарафлар ўз хоҳишларига кўра сайлайдилар.

Эндиликда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Ҳақамлик суди тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши шўбҳасиз. Чўнки қонунда тадбиркорлар учун қўлай, уларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига оид барча зарур шарт-шароит ва нормалар ҳисобга олинади. Бу тизим ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат суд ҳўкимиятига кўмаклашади.

Энг муҳими, бунда тадбиркорлар дўх келиши мўмкин бўлган низои ҳал этишининг мўқобил механизми яратилди. Жамиятимизда тадбиркорларга маддодор бу тузилма янада оммалашади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ўЗА муҳбири

РИВОЖЛАНИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Истиклол шарофати билан ўтган йилларда мамлакатимизнинг буюк келажagini яратиш, келгуси авлодимизга обод ва озод юртни қолдиришдек эзгу мақсад йўлида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мустаҳкам пойдеворга асос солинди. Айниқса, биз тадбиркорларнинг иқтисодиётимиз ривожига асосий кўча айлиниб бораётганлигимиз зиммамизга қатта масъулият юклаш билан бирга, қалбимизни ғурур-ифтихорга тўлдиради.

Мен анча йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, унинг машаққатини татиб келяман. Мамнуният билан айтиш мўмкинки, Юртошимизнинг яқинда эълон қилинган бу борадаги қатор қарор ва Фармонлари ўз вақтида қабул қилинган муҳим аҳамиятга молик ҳўжатлардир. Юртимизда фаолият юритаётган барча кичик қорхона ва хўсусий тадбиркорлар учун улар асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билан айта оламан. Зеро, ҳар бир ҳуқуқий-мезърий ҳўжат албатта инсон омилига хизмат қилиши керак.

1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби амал қилаётганлиги ҳамда кичик қорхоналар учун ягона солиқ, қўжётдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилганлиги айни кўнгилдаги иш бўлди. Тадбиркорларнинг қайси бири билан ушбу мавзуда сўхбатлашманг, ҳаммасида қониқиб, мамнунлик ҳиссини сезасиз.

Тадбиркорни қўйнаётган қатор муаммолар, қамчиликларнинг ижобий ечимини топаётганлиги ўзимизга бўлган ишончнинг орттиради. Ортиқча қорғозбоилиқлардан ҳалос бўлганлигимиз эса дилларимиздаги орзулар рўёбидан далолат ҳисобланади.

Бизнинг жамоамиз 6 йилдан буён ички бозоримизни сифатли, кўркам, чидамли, харидорғир фурнитура махсулотлари билан тўлдириш йўлида меҳнат қилмоқда. 50 нафар ишчи-хизматчилар миқозларнинг хоҳиш-эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда иш юритиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқаришини кенгайтириш, янги цехлар ташкил этилиб, Россия давлатидан келтирилган унумли дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилиши натижасида янги махсулот турлари кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили жамоанинг унумли меҳнати, буюртмаларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши туфайли 20 миллион 350 минг сўм соф фойда олишга эришдик ҳамда бугунги кўнга келиб махсулотларимиз турлари 100 дан ортиқни ташкил этмоқда.

Айниқса, сифатли, кўркам, чидамли, ишлатишда қўлай бўлган турли ҳажмдаги

карниз, струналарнинг бозори чаққон. Жўмладан, мебелсозлик, енгил саноатда кенг қўлланиладиган ҳамда ҳарбий хизматчилар учун фурнитура буюмларининг буюртмачилари сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунда жамиятимиз аъзоларининг касб маҳоратлари, ўзаро ҳамжўхатлик қўл келмоқда.

Юртимизда хўсусий тадбиркорлик етакчи ўрин тутадиган кўп уқладли иқтисодиёт жадал шаклланаётганини, кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда қатта аҳамиятга эга бўлган хўсусий тармоқни изчил ривожлантириш имконини бермоқда. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларнинг амалга оширилиши мазкур соҳа ривожига муҳим омил бўлишига тўла ишонаман.

Шавкат КАЛИЛОВ,
«Met-fur servis» масъулият
чекланган жамияти раҳбари

ЯНГИ СТАНЦИЯЛАР БАРПО ЭТИЛДИ

Ёзнинг жазирама ва иссиқ кўнларида шахримиз қўчалари ва хиёбонларида бўлган киши айрим ҳолларда ерда тўқилиб ётган майиш чўқиндиларга, елим халталарга шишаларга, озиқ-овқат қолдиқларига қўзи тушмай иложи йўқ.

Тўғри, аслида ҳар бир туман ҳўдуида махсус чўқинди қўтилари жойлаштирилган жойлар мавжуд. Бироқ, киши саломатлигига, экологияга жиддий ҳавф туғдирувчи чўқиндиларни дўх келган ерга ташлаб кетаверадиган лоқайд кишиларнинг борлиги юқорида таъкидланганимиздек, экологияни издан чиқараверди, бу ҳўлат киши саломатлигига доимо ҳавф солади. Шу боис ҳам ҳўзирда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан хорижий сармоядорлар иштирокида «Тошкент шаҳрида санитария тозалаш тизимини тақомиллаштириш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Очигини

тан олиш керак, бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам самарали бажарилмапти. Қўни кеча «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ҳамда «Махсустрас» автоқорхонаси ҳамкорликларида уюштирилган учрашувда юқоридаги масалалар муҳокама қилинди. Анжуман қатнашчилари томонидан ҳар йили қўллаб майиш чўқинди тўпланадиган Тошкент шаҳрида бу борада янада жиддий вазифаларнинг амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди. Дарвоқе, тадбир қатнашчилари эътиборига Яққасарой, Ҳамза, Юнусобод туманларида чўқиндиларни қайта ишлаш станциялари барпо этилганлиги маълум қилинди.

Хўлоса ўрнида шўни айтиш жоизки, шахримиз экологияси ҳамда саломатлигимиз яхши бўлишини истар эканмиз, табиатни асраб-авайлаш, ён-атрофни тоза, озода сақлаш, чўқиндиларни дўх келган жойга эмас, аксинча, махсус қўтиларга ташлаш бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Дилором ДўСМУҲАМЕДОВА

ВИЗАСИЗ ТАРТИБ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

Республика Ташқи ишлар вазирлигида 2000 йил 30 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Россия Федерацияси фуқароларининг ўзаро бориш-келишлари тўғрисидаги Битимга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Мазкур ҳўжат томонларнинг давлат чегараларидан ўтиш ҳуқуқини берадиган фуқаролар кириш-чиқиш ҳўжатлари рўйхатини белгилаб беради ва у 2005 йил 13 августдан қўчга қиради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерацияси ҳўдуидаги кириши, чиқиши, транзит ҳўлати бўйича ҳамда у ерда бўлиши ва ҳаракатланиши учун керак бўладиган ҳўжатлар қўйидагича:

1. Дипломатик паспорт.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти.
3. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи гувоҳнома.
4. Ўзбекистон Республикаси қайтиш шаҳодатномаси (фақат Ўзбекистон Республикаси қайтиш учун).

Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳўдуидаги кириши, чиқиши, транзит ҳўлати бўйича ҳамда у ерда бўлиши ва ҳаракатланиши учун керак бўладиган ҳўжатлар қўйидагилардан иборат:

1. Дипломатик паспорт.
2. Хизмат паспорти.
3. Шахнинг Россия Федерациясидан ташқарида Россия Федерацияси фуқаролигини тасдиқловчи Россия Федерацияси фуқароси паспорти.
4. Денгизчи паспорти (денгизчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси).
5. Россия Федерациясига кириш (қайтиш) шаҳодатномаси (фақат Россия Федерациясига қайтиш учун).

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида амал қилган визасиз тартиб сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вояга етмаган болалар билан Россия Федерациясига бориши учун ҳар бир болага «16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг гувоҳномаси»ни расмийлаштириш зарур. 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 декабрдаги №519 қарори билан жорий этилган ва у фуқароларнинг доимий яшаш жойларида ички ишлар идоралари томонидан берилади.

«Жаҳон» АА.

Президентимизнинг шу йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асосий равишида ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари мазкур соҳада юзга келган камчилик ва муаммоларни бартараф этишда дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги кўп қаватли уйларида яшайдиган юрtdошларимиз ўзларининг турар жойларини уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) кўмагида бошқармоқдалар. Айтиш жоизки, фуқароларимизнинг уй-жой мулкдорлиги сифатида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англашга бўлган интилишлари тобора кучаймоқда. Муҳими, озода ва қулай, шинам ва ҳафсиз уйда яшашни истайдиган бир чеккада қўл қовуштириб турмай, ширкат ишида фаол иштирок этиши лозимлигини кўпчилик англаб етмоқда.

1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида»ги қонунда белгиланганда, УМШ — ҳамкорликда бошқариладиган орган. У умумий мулкни очик-ошкора, биргаликда бошқаришнинг ўзига хос механизмидир. Яшовчилар умумий мажлисда ўзлари ишонган, коммунал соҳани тушунадиган кишилардан ширкат бошқаруви ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлашлари лозим. УМШ бошқаруви билан аъзолари ўртасида ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш ҳар бир хонадон соҳибидан умумий мулкка эътиборли бўлишни талаб этади.

УМШ молиявий маблағларини шакллантириш масаласи ҳам умумий мажлисда ҳал этилади. Қонунга мувофиқ, ширкат аъзоси умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича харажатларда ўзига тегишли квартира майдони улушига мутаносиб тарзда иштирок этади. Мулкдор ўзига тегишли хоналардан фойдаланмаган, умумий мулкка эгалик қилишдан, ундан фойдаланишдан воз кечган тақдирда ҳам умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш хара-

жатини тўлаши шарт.

Умумий мулк деганда биттадан ортиқ мулкдорга хизмат кўрсатадиган умумий жойлар, йўлаклардаги зиналар, лифтлар, шахталар, техник қаватлар, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартира ташқарисида ёки ичида жойлашган механик, электр, санитария-техника ва бошқа қурилмалар тушунилади. Бундай турдаги мулк сингасига бино атрофидаги ер участкалари, ширкат кўчаси мажмуининг ягона комплексига хизмат кўрсатишга ва уни сақлашга мўлжалланган бошқа мулклар ҳам кирди.

УМШ маблағлари ким ва нима ҳисобидан шакллантирилади, фойдаланиш харажатлари

ри умумий соннинг ярмидан кўпига эга бўлган аъзолари қатнашган тақдирдагина ваколатлидир.

Фойдаланиш тўлови турар жойларни сақлаш ва таъмирлаш харажатларини қоплаш учун қилинажак ишларнинг қўламини қараб белгиланади. Йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижроси тўлов миқдорини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Тўлов нархи йил давомида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг умумий ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. УМШ бошқаруви фойдаланиш харажати нарҳини арзонлаштириши ҳам мумкин.

Мисолларга мурожаат этамиз. Уйларининг йўлак ва ертўлалари

Самарқанд шахрининг Акмал Икромов кўчасидаги 48 хонадондан иборат уйни бошқарайтган «Хилос ишонч» УМШда бир квадрат метрга тўланадиган тўлов 30 сўмини ташкил этади. Путирдан кетган канализация қурилмаларини янгилаш маблағ талаб этгани сабабли шу йилнинг 1 июлидан ширкатда 1 квадрат метр учун тўланадиган тўлов миқдори 50 сўм этиб белгиланди.

Бундан ташқари, УМШ қонунчилиқда назарда тутилган фаолият билан шуғулланиш, умумий мулкдан фойдаланиш, ҳомийлар кўмаги, мулкни ижарага бериш, банкдан имтиёзли кредит олиш билан даромад топиб, уни тўғри сарфлаш билан ҳам фойдаланиш харажати нарҳини арзонлаштириши ҳамда фаолиятини ривожлантириши мумкин.

Президентимизнинг 2002 йил 26 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатишдан, шу жумладан ижарага топширилган мулкдан тушадиган даромадларидан 2007 йилга қадар барча турдаги солиқлар ва бюджетга йиғилган тўлашдан озод қилинган.

Бунинг натижасида бўйайди-ган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаб ширкатларнинг айланма маблағларини кўпайтиришга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой биноларини ҳамда уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш ва ҳудудни ободонлаштиришга йўналтирилиш кўзда тутилган айти мудоаодир.

Хуллас, юртимизда уй-жой ширкатлари маблағини шакллантириш ҳамда уларни одилона ва оқилона бошқариш орқали уй-жой-коммунал хўжалик муаммоларини ҳал этиш учун кенг имкониятлар яратилган. Ширкатлар самарадорлигини таъминлаш эса кўп жиҳатдан уй-жой мулкдорларининг ўзларига боғлиқ. Тажриба шунини кўрсатмоқдаки, бошқарув ва ширкат аъзолари бамаслаҳат иш юритса, нафақат УМШ фаолиятини яхшилаш ва фойдаланиш харажатларини қисқартириш, ҳатто даромад олишнинг ҳам имконияти кенг.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Қарор ва ижро

МУАММОЛАР ЕЧИМИ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсади-миз — жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзусидаги маърузасида таъкидлаганидек, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш устувор вазифаларимиздандир.

нархи қандай белгиланади? Бу саволларга Қонуннинг 22-моддасидан жавоб топиш мумкин. Унга қўра, ширкат маблағлари аъзоларнинг бадаллари, хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлардан иборат бўлади.

Бир квадрат метр майдон учун фойдаланиш харажати нархи турли ширкатларда турлича бўлиши кўпчиликини таажжублантириши табиий. Ёгин-сочинда чакки ўтадиган тоғни, подьездни ўзим таъмирласам, бузуқ лифтни ўзим созласам, яна нега ширкатга фойдаланиш харажати учун пул тўлашим керак? Ширкат умумий мулкни сақлаш ва таъмирлашга қўшган ҳиссам учун мени рағбатлантирмайди, каби мулоҳазаларга борувчилар ҳам бор.

Хўш, қонунчиликда бу ҳақда нима дейилган? Зикр этилган қонунга мувофиқ, ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметаси унинг умумий мажлисида тасдиқланади. Бундай мажлис эса уй-жой мулкдорларининг овозла-

ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ишлари ўлда-жўлданлигидан дилгир Тошкент шахридаги иккита қўп қаватли уй соҳиблари «Илос-сервис» УМШ фаолиятдан қониқмай, ундан ажралиб чиқиди. Янгидан тузилиб, 2004 йилнинг 1 апрелида рўйхатдан ўтган «Валихонова» УМШ 140 хонадонга хизмат кўрсатишга бел боғлагач, ишлар ҳам юришиб кетди. Қисқа фурсатда тоғнинг 304 квадрат метри таъмирланди, подьезд дерезаларига ойна ўрнатилди, иссиқ ва совуқ сув қувурлари янгиланган.

Аҳолининг ширкатдан қарздорлиги қисқариб, аксинча, фойдаланиш харажати йиғилиш даражаси 95 фоиз ўсди. Эндиликда ширкат аъзоларидан бунак тариқасида олдиндан йиғилаётган тўлов 130 фоизни ташкил этаётди.

Илгари хонадон эгалари 1 квадрат метр учун 83 сўм фойдаланиш харажати тўлаган бўлса, янги ширкат бошқаруви тўлов нарҳини 65,3 сўмга туширди. Фойдаланиш харажати турининг қамайтирилиши кимни хурсанд қилмайди дейсиз!

Иқтисодиёт СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Ички бозоримизни доимо ўрганиб бориб ҳаридоригар маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мақсад қилган кичик корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта.

Учтепа туманида 2003 йилдан фаолият юритаётган «МАКБОЛ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси бугунги кунга келиб 14 хилдаги сифатли, хушхўр ва асосийси нисбатан арзон макaron маҳсулотлари билан харидорларини мамнун қилмоқда.

Ушбу жамиятнинг 50 нафарга яқин ишчи-хизматчиларининг тажрибалари, маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиш асосида нафақат пойтахтда, балки бутун республика бўйлаб буюртмачилари тобора ортиб бормоқда. Жамоа ахли томонидан жаҳонга машҳур «Molyani» савдо белгиси билан турли ҳажмларда — 300, 400 граммли, 1 килограмм ҳамда 1300 килограммли чиройли безакланган пакетларда макaronлар қадокланиб, савдо шохобчаларига чиқаришмоқда.

Жамият чехларидан ўрна-тилган замонавий Италиядан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар маҳсулотларининг аъло сифатли тайёрла-нишда қўп келмоқда. Ўтган йилдан корхона тадбиркорларининг ташаббускорлик-лари тўғрисида янги маҳсулот — вакуумли макaronлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда ҳам маҳсулот сифати орттишга, турлари кўпайишига эътибор қаратилмоқда.

«ШИФО» ПАРҲЕЗ НОНИ

Замон талабидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланишга азму қарор қилган ёшлар сафи кенгайиб бораётганлиги, шу сабабли меҳнат бозорида янги иш ўринлари яратилаётганлиги эътиборга сазовор албатта.

Ўтган йил охирида Чилонзор туманида фаолият бошлаган хусусий тадбиркор Бобур Шодиматов кичик корхонасидаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг кичик новвойхоналари ҳамда хорижий дастгоҳлар ёрдамида 7 нафар фуқароларни иш билан таъминлаганди.

— Ризқ-рўзимиз бўлган нон ва нон маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жуда масъулиятли, лекин шарафли иш, — дейди хусусий тадбиркор Бобур Шодиматов. — Бунда сифат асосий мезон бўлиб, юртимизда мазкур соҳада рақобат анча кучли. «Шифо» парҳез нонимиз тез орада ўз харидорини топти. Бугунги кунда жамоамиз ахли 8 турдаги сифатли, хуштаъм, бўрсилдоқ нонларни аҳоли дастурхонига етказиб бермоқда.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА



Маҳалла

ЎЗИГА ХОС ЮТУҚЛАР АКСИНИ ТОПДИ

Бугунги кунда шахримиз маҳаллаларида миллий хунармандчилик турларини ривожлантирган ҳолда ёшларимизга унинг сирларини ўргатиш, кичик корхоналар очиб аҳолини, айниқса аёлларни иш билан таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Кунни кеча Фафур Фулом номидаги сўйим ва ҳушманзара бовда мазкур бог маъмурияти ҳамда «Маҳалла» жамғармаси Юнусобод туман бўлими ҳамкорлигида тумандаги Фирдавсий ва Мирзо Улугбек номи маҳаллалар ҳаёти, бугунги кундаги ютуқларига бағишлаб ўтказилган

«Маҳалланинг бир куни» мавзусидаги маданий-маърифий тадбирни ташкил этишдан ҳам ана шундай хайрли мақсад кўзланди. Ҳар иккала маҳалла фаоллари, заҳматкашлари, хунармандлари ҳамда фахрий отахон ва онахонлари иштирокида уюштирилган тадбир давомида маҳал-



лалардаги ижодий ишлардан намуналар, ёш хунармандлар томонидан ишланган дурадгорлик, каштачилик, дўппидўзлик, зардўзлик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Шунингдек, маҳаллалар ёшлари томонидан ҳар хил спорт мусобақаларининг уюштирилиши, ҳаваскор санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача фойз киритди. Қўли гул хунармандлар, фаол фуқароларга фуқаролар йиғини томонидан эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Маҳалланинг бир куни» тадбиридан лавҳалар.

Толиб Сирожиiddинов
олган суратлар.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли, изчил ва тадрижий ислохотлар жараёнида таълим тизимидаги янгиланишлар салмоқли ўрин тутди.

Мустиқилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси жабҳасидаги масъулиятли, айнаи чоғда, самарали ишлар, авваломбор, эл-юрт истиқболи, Ватан тараққиёти, ёш авлод келажагини таъминлашга йўналтирилгандир.

Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори кучга кирганига бир йил тўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Туробжон Жўраев билан ўтган даврда мазкур Дастур ижросини таъминлаш, мактаб таълимини ривожлантириш борасида эришилган натижалар, мавжуд муаммолар, истиқболдаги режалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Президентимиз Фармони билан тасдиқланган мазкур Дастур доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишларнинг қамрови жуда кенг, — дейди Т.Жўраев. — Мактаб биноларини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-усулбий материаллар билан жиҳозлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, муаллимлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш, мактабларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш каби беш йилга мўлжалланган устувор вазифалар шулар жумласидандир.

2004-2005 ўқув йили якуни бўйича ана шу устувор йўналишларда муайян натижаларга эришилди. Жорий йилда юртимизда 1097 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Хусусан, 53 та янги мактаб биноси қуриш, 284 та мактабни капитал реконструкция қилиш, 438 тасини капитал таъмирлаш, 322 та мактабни эса жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

2005 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда ушбу иш режаси йиллик лимитга нисбатан қарийб 83 фоиз бажарилди.

Албатта, гўзал ва шинам мактаб биноларига замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, илгор компьютер техникаси, қулай жиҳозлар ярашади. Шу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳам алоҳида эътиборда турибди.

Шу йил январидан бошлаб мактабларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш йўналишида бир неча босқичдан иборат тендер танловлари эълон қилинди. Бу танловларда қатнашувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан таклиф қилинадиган маҳсулотлар намуналарининг кўргазмалари ташкил этилди.

Айни пайтда 2005 йилда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомлари билан

жиҳозлаш бўйича ўтказилган тендер савдолари якунланди. Тендер комиссияси томонидан 44 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилот танлов ғолиблари, деб топилди.

— Жорий йил баҳорида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонида ташкил этилган кўргазма жараёнида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар амалиётга қандай татбиқ этилмоқда?

— Ўшанда маҳсулотининг сифати, ташқи кўриниши, дизайни, нархи каби кўрсаткичлар бўйича мақбул топилган ўнлаб корхоналар ўз жиҳоз ва ускуналари билан қатнашган кўргазмани қарийб икки ҳафта давомида ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, манфаатдор ташкилот ва муассасалар вакиллари келиб кўриб, таклиф ва истакларини баён этгандилар.

Айниқса, 29 апрель кунли Президентимиз Ислам Каримов мазкур кўргазмада бўлиб, намойиш этилаётган синф хоналари мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари, устакхона жиҳозларини кўриб чиқиш чоғида уларнинг камчилик ва нуқсонлари тўғрисида билдирган таклиф ва кўрсатмалари биз учун муҳим дастуриямал бўлди.

Шундан сўнг вазирлик томонидан Республика таълим маркази қошида Умумтаълим мактабларида ўқув жараёнида фойдаланиш учун компьютер ва бошқа ортегхникани синовдан ўтказиш ва мослаштириш бўйича лаборатория ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди.

Иқтисодиёт вазирлигида қайта ишлаб чиқилган мактаб мебели, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомларининг техник ўлчамлари бўйича намунавий синф намойиши ташкил этилди. Унда намойиш қилинган намунавий синф хонаси мебели, 1-4 ва 5-9 синфлар учун ўқувчилар столлари, ўқитувчи столи, мактаб мажлислар зали учун мебелларнинг бир неча тури тендер-танлов ғолиблари ва келгусида маҳсулот ишлаб чиқаришда намуна сифатида фойдаланиш учун такдим этилди.

«Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган кўргазма жараёнида тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда «Ўздавстандарт» агентлиги мутахассислари билан ҳамкорликда мактаб мебелларига қўйилган техник талаблар қайта кўрилиб, янги мезон намуналари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, 2005 йилда мактабларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур тасдиқланди. Ушбу дастурга мувофиқ, жорий йилда 79 та янги қурилади-

ган, 292 та капитал реконструкция қилинадиган, 868 та капитал таъмирланадиган, 496 та жорий таъмирланадиган, жами бир минг 735 та мактаб тегишли мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланади.

Таъкидлаш жоизки, тендер тан-

ловларидан кўзланган мақсад, бир томондан, мактабларимизни замонавий ва сифатли жиҳозлар билан таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, ана шу жиҳоз ва анжомларни ўзимизнинг корхоналаримизда ва маҳаллий маҳсулотлардан тайёрлаш ишларини имкон қадар рағбатлантиришдан иборат эди. Шу маънода, амалга оширган ишларимиз ўзини оқлади, деб ўйлайман.

— Таълим мазмунини такомиллаштириш борасидаги ўзгаришлар мактаб таълимини ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шундай эмасми?..

— Шақ-шубҳасиз. Таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар билим самарадорлигини оширишда, аввало, дарсликлар таъминоти, янги авлод дарсликлари ҳамда ўқув қўлланмаларининг яратилиши ва Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган ўқув йилида нашриётлардан кутубхона фонди учун давлат бюджети ҳисобидан 595 номда ва 14,8 миллион нусхадаги дарслик ва ўқув-методик қўлланма қабул қилиб олинди ва жойларга етказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида барча мактабларнинг дарсликлар билан таъминланиш ҳолати ҳамда янги ўқув йилида дарсликларга бўлган эҳтиёжи тиллар ва синфлар негизида тўлиқ ўрганилди. Мавжуд эҳтиёж асосида ишлаб чиқилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг аниқ режасига кўра, янги ўқув йили учун жами 17,6 миллион нусха дарсликлар харид қилинди.

2005-2006 ўқув йили учун 463 номдаги дарслик харид этиш режалаштирилган. Шундан 444 номдаги дарслик қайта нашр этилади, 19 номдагиси янгидан яратилади. Жумладан, таълим барча тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 1-синф ўқувчилари учун 55 номда дарсликлар чоп этилади. Шундан 9 номдаги дарслик ilk бор махсус мактаблар учун мўлжалланган.

Табииyki, дарсликларнинг нархи масаласи ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис нашрга тавсия қилинган таълим дарсликларнинг нашриётлар томонидан тақдим этилган нархи борасида таклифлар Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳи томонидан

ги даражасини аниқлашнинг амалдаги кўп балли рейтинг тизими бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди.

— Мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш борасидаги ишларнинг аҳволи қандай?

Бу ўринда, аввало, кейинги йилларда мактаб таълимини ривожлантириш, шу жумладан, ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг самараси ўлароқ, ўқитувчилар мактабларга қайта бошлаганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мисол учун, 2004-2005 ўқув йилида мактабларнинг педагог кадрлар билан таъминланиш даражаси мамлакатимиз бўйича 447,1 минг нафарни, яъни 97,6 фоизни ташкил этди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАЁТ КАБИ БАРДАВОМДИР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири
Туробжон ЖўРАЕВ билан суҳбат

Айни пайтда педагогларга эҳтиёж 11 минг 199 нафар бўлиб, 2004 йил кўрсаткичларига нисбатан 4 минг 375 нафарга камайган.

Педагогларга бўлган эҳтиёжни қоплаш ҳамда таълим муассасаларига ёш педагог кадрларни жалб қилиш мақсадида мактабларда мутахассисларга бўлган эҳтиёж ўрганиб чиқилди ва мазкур маълумотлардан педагог мутахассисларни тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўтган тақсирот жараёнида фойдаланилди. Маълумотларга кўра, педагогика ва касбий таълим йўналишидаги олий ўқув юрларининг бир йилги битирувчилардан 11 минг 761 нафар халқ таълими тизими таълим муассасаларига ишга тақсимланган.

Президентимизнинг 2005 йил 2 июндаги «2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори асосида вазирлик тасарруфидаги педагогика олий ўқув юрларига жами 8 минг 146 ўрин ажратилди. Бу кўрсаткич 2004-2005 ўқув йилидагига нисбатан 883 та кўпдир.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагогика олий ўқув юрларига янги ўқув йилида қўшимча 7 та йўналиш (педагогика, ўзбек адабиёти, қорақалпоқ адабиёти, география, психология, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, инглиз тили) бўйича магистратуралар очилди. Бу, ўз навбатида, келгусида педагогика олий ўқув юрларини ёш кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги муассасалар ярим йиллик режани 106,7 фоиз бажарди. Жумладан, халқ таълими раҳбар ходимларидан 2 минг 628 нафарга ҳамда педагог ходимлардан 49 минг 800 нафари ма-

лака ошириш курсларидан ўтган.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа доирасида жойлардаги 70 та таянч мактаби ҳамда 15 та малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида масофадан ўқитиш таълим ресурсе марказлари ташкил этилди. Лойиҳа доирасида йил охиригача юртимиз халқ таълими ходимларининг 300 нафардан кўпроги хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтди.

Муаллимлар меҳнатини рағбатлантириш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилямоқда. Жорий ўқув йилида республикамиз мактабларида дас бераётган жами ўқувчилардан 41 фоизининг ойлик маошига устамалар белгиланган.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғриси-

рукция қилинадиган ва 83 та мактаб спорт заллари қурилиши кўзда тутилган. Биринчи ярим йилликда жами 51 та болалар спорт иншоотини фойдаланишга топшириш белгиланган бўлиб, амалда 52 та объект фойдаланишга қабул қилинди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соғлом авлодни вояга етказиш мақсади талабларидан келиб чиқиб, жойларда спорт иншоотлари қуриш, уларни жиҳозлаш билан бир қаторда, болалар ўртасида турли спорт тadbирлари ҳам ўтказмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида вазирлик ва жамғарма иш режасида ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида жамғарма томонидан қарийб 60 та спорт мусобақаси ўтказилгани шундан далолатдир.

Энг муҳими, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари спорт билан мунтазам шуғулланиши учун тегишли шарт-шароит яратилиши ҳамда спорт иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши натижасида ўқувчилар орасида спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сонини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,9 фоиз ошди. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда юртимиз таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчиларнинг 36,1 фоизи дарсдан ташқари жисмоний чинқиш билан мунтазам шуғулланмоқда.

— Соҳадаги камчилик ва муаммолар, келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Даставвал, дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратиш, чоп этиш ва жойларга етказиш борасида айрим муаммолар борлигини айтиб ўтмоқчиман. Нашриётлар билан шартномаларни имзолаш жараёнида нархларни келишишимиз қийин кечяпти. Натижада дарсликларни чоп этиш муддатлари ўтиб кетмоқда. Қардош тилларда чоп этиладиган дарсликларни таржима қилишда малакали таржимонларнинг етишмаслиги ҳам дарсликларни ўз вақтида нашр этишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Нашриётлар раҳбарлари ва тегишли мутахассислар билан дарсликларни чоп этиш жараёни ва уларнинг сифати бўйича бир неча бор муҳокама ўтказганимизга қарамай, дарсликларни нуқсон ва камчиликлар билан чоп этиш ҳоллари ҳануз учрамоқда.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш ва мактабларга сифатли дарсликлар етказишни таъминлаш мақсадида вазирлик қошида дарсликлар сифатини текшириш гуруҳи, ўз навбатида, ҳар бир мактабда дарсликларни қабул қилиб олиш бўйича жамоатчилик комиссияси ташкил этилди.

Яна бир муҳим масала — келгусида маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга кенг татбиқ этишни янада жадаллаштиришдир. Кўни кеча Вазирлар Маҳкамасида 2005 йилнинг биринчи ярим йилида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисда, жумладан, Инвестиция дастурини амалга ошириш ва юртимизда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Йилнинг иккинчи ярмида бу соҳадаги, хусусан, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга оширишга инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Шу маънода, ўтган ҳафтанинг бошида мамлакатимизда меҳмон бўлган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хоним раҳбарлигидаги делегация иштирокида имзоланган компьютер синфларини сотиб олиш тўғрисидаги 19 миллион долларлик лойиҳа бўйича битим ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Ушбу лойиҳа доирасида 2005-2006 йилларда республикамиздаги 2000 та мактабни замонавий комплекст компьютер синфлари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Бунинг натижасида мактабларимизнинг замонавий компьютерлар билан таъминланганлик фоизи сезиларли даражада ортади ва албатта, фарзандларимизга янада сифатли таълим бериш имкониятини кенгайтирилади.

Бу йил мамлакатимизда давлат харажатларининг таълим тизимига ажратилган улуши давлат бюджетининг қарийб 50 фоизини ташкил этди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ўз ички даромадининг 10 фоизини таълим равнақида йўналтирди. Агар қиёслайдиган бўлсак, кўпгина ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 2-4 фоиздан ошмайди.

Эътибор беринг, мамлакатимиз аҳолисининг 45 фоиздан ортигини 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Демак, таълим тизимида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бугунги ўзгаришлар халқимизнинг келажакига бевосита дахлдор. Мухтасар айтганда, таълим тизимидаги ислохотлар самараси — миллият келажаги, халқ фаровонлиги, Ватан тараққиётининг тамал тошидир.

Ортбошимиз таъкидлаганидек, «аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўйётган янги-янги талабларга кўра мутасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади». Бу улукисиз жараён, ўз галида, халқ таълими ходимлари, хусусан, педагоглар зиммасига доимо давр билан ҳамдадам юришдек улкан масъулият юклайди.

Айтмоқчиманки, аввало, ўқитувчиларимиз таълим тизимида жорий этилаётган улкан қўламадаги ислохотларнинг туб моҳияти, асл аҳамиятини теран англаб етишлари, бу борада зимманига юклатиладиган янгидан-янги вазифаларни тегишли малака ва лаёқат билан, изчил, сифатли ҳамда тўлиқ адо этиб боришда филойлик кўрсатишлари зарур.

Шу билан бирга, ҳар бир муаллим, мураббий истиқлол йилларида эл-юртимиз эришаётган оламшумул ютуқлар, мустиқиллиқни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, шунингдек, дунёда юз бераётган турли ўзгаришлар мазмунини чуқур тушушган ҳолда, ёш авлодга замон талаблари даражасида сабоқ беришлари фарз ва қарзидир.

ЎЗА мухбири
Ғулом МИРЗО
суҳбатлашди.

Улуг бобомиз Абдулла Авлоний ҳам "Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир" деган эдилар. Хўш, бизнинг маърифатли, илмли бўлишимизда кимларнинг ҳиссаси бор, кимларнинг меҳнатлари зиёда? Албатта устоз, ўқитувчиларнинг-да. Зеро, уларнинг машаққатли меҳнатлари, тинмай изланишлари боис ҳам, биз оламга тийрак нигоҳлар билан назар солмоқдамиз, юксак чўққиларни забт этмоқдамиз. Меҳру муҳаббат, ишонч, садоқат туйғуларини қалбимизга, юрагимизга синдириб яшаб келмоқдамиз. Бугунги мўъжазгина мақолаимиз қахрамони ҳам таълим-тарбия йўлида самарали меҳнат қилиб келаётган, маърифат шувласини ён атрофдагиларга беминнат таратаётган ва шу нурли манзил ортидан халқ орасида обрў-этибор топган инсон, "Халқ маорифи аълочиси", "Меҳнат фатҳи", "Фидойи ўқитувчи" ва "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонларига сазовор бўлган Манзура ая Раҳматуллаевадир.

Манзура опа Тошкент педагогика институтини (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети) тугатганидан сўнг илк меҳнат фаолиятини шахримиздаги 139- мактабда ўқувчиларга қимматли фанидан сабоқ бериш билан бошлади. Шунинг баробарида Абдулла Авлоний номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтида услубчи вазифасида фаолият юритди. 1981 йилдан бошлаб А.Икромов (ҳозирги Уч-тепа) туманидаги 245- мактабда

сабоқ беришни давом эттирди ва ҳозирга қадар ушбу масканда ўқувчиларнинг сеvimли устози, меҳрибон мураббийси сифатида ёшларга ҳамдам, ҳамқадам бўлиб келмоқда.

— Умримнинг ҳар бир дақиқасини болаларга бағишлаганман,

нинг, она юртимнинг ишончини оқладим деб ўйламан, сабаб-ки, илм бериш, сабоқ ўргатиш, яхшиликка ундаш, гўзалликни севиш, табиатни ардоқлаш, одабийлик меъёрларига амал қилиш менинг асл мақсадим бўлган. Шогирдларим менинг топиламас

Ғисова тиббиёт фанлари номзоди. Шахноза Абдурахмонова, Малика Зиёмуҳаммадова қимматли номзодлари сифатида халқимизга хизмат қилмоқдалар.

— Биз, 139- мактабни битирганимизга 40 йил тўлди. Устозимиз қарийб 50 йилдири, ёшларга қимматли фанидан сабоқ бериб келмоқдалар. Улар синфимиз раҳбари бўлганлар, — дейди Манзура аянинг собиқ ўқувчиси Шарофат Қосимова. — Нанки бизга илм ўргатганлар, балки, тўғрилиқ, ҳалоллик, одоб-ахлоқ, меҳр-муҳаббат туйғуларини қалбимизга сингирганлар. Бугунги кунда бир синфда таълим олган синфдошларимиз орасида олти нафар тиббиёт фанлари номзодлари бор. Устозимиз яқинда 70 ёшга тўладилар. Шу муборак сана арафасида уларга сикхат-саломатлик, шодумон кунлар қувончини, фарзандлари, набиралари ва шогирдларининг қамоллини, бахту саодатли кунларини кўришларини тилаб қоламиз.

Ха, инсон умрини фақат эзгулик сари ташлаган одимлари, яхшилик йўлида қилган хизматлари беэоб туради. Зеро, яхшилик умр нақшидир. Мақолаимиз охирида ёш авлодга билим беришдек шарафли ишда тиним билмай меҳнат қилиб келаётган бағри кенг, меҳри дарё Манзура аяга «Умр йўлларингиз бундан мазмунли бўлсин, келажак авлодларга ҳам ҳамиша сиз билан фахрланиб юриш насиб этсин, устоз», деб қоламиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Манзура Раҳматуллаева ўқувчилари даврасида.

Захматкашларимиз

ЯХШИЛИК — УМР НАҚШИ

Маърифат мангу ёниқ аланга. У қалбларга олов, кўзларга зиё бағишлайди, кишиларни ёруғликка, ёруғ хаёлларга, ойдан умидларга ошно этади.



— дейди Манзура ая. — Улар борлигим, бойлигим, улмасиз яшолмасам керак. Мен ҳаётим давомида фақат яхшиликка, эзгуликка, илму маърифатга ошно бўлиб яшадим. Озми-кўпми халқимиз

бойликларимдир...

Дарҳақиқат, бугунги кунда Манзура аянинг бир қатор шогирдлари жумладан, Нодира Абдурахмонова, Мақсуда Фуломова, Азимжон Ҳақимов, Наргиза

"Қамолот"

КЎЧМА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

Шу кунларда "Қамолот" ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши томонидан "Ёзни "Қамолот" билан!" акцияси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Алгоритм" оромгоҳида бўлиб ўтган саёхат ана шундай тадбирларнинг бири бўлди.

Оромгоҳда мазза қилиб дам олаётган болажонлар ўртасида «қамолот»чилар акция доирасида «Кўчма оммавий спорт ўйинлари», оғоҳлик мавзусидаги семинар тренинглар ҳамда шўх куй ва рақсларни ўз ичига олган саҳнавий кўринишлардан иборат бир қатор тадбирларни ўтказдилар. Таътил вақтини серзавқ ўтказишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган бундай кўнгилчолар кечалар болаларга маъқул бўлди.

Юқоридаги акция доирасида кунни кеча "Қамолот" ЁИХ Чилонзор туман Кенга-

ши томонидан "Бўстон" маҳалласида ҳам "Кўчма оммавий спорт ўйинлари" ўтказилди.

Тадбирда Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий ва «Гулистон» маҳаллаларидан ёшлар билан ишлаш комиссияси вакиллари ҳамда ўсмирлар иштирок этдилар. Қизиқarli мусобақада қатнашчилар "Қамолот" ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши томонидан сертификатлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Наима МИРҲОЖИЕВА,
Чилонзор туман матбуот гуруҳи котиби



Бахт юлдузинг порласин доим, қизалоқ!

Ёз — қўлмоқда соз!

ТОҒ ҲАВОСИДАН БАҲРА ОЛИБ

Ёз фаслининг аини жазирама иссиқ кунларида болажонларимиз сўлим ва баҳо дам олиш оромгоҳларида мазза қилиб ҳордик чиқармоқдалар.

Айниқса кўм-кўк тоғ ёнбағирларида жойлашган оромгоҳларида бўлсангиз она табиатимизнинг мусатфоси хавоси тоғлардан ошиб тушаётган зилол суварли, тошдан тошга урилиб шарқираб оқаётган сойлар ва дарёларни кўриб завқингиз ошади. Жонга ҳузур бахш этувчи тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб танангиз яйрайди.

Мана шундай мафтункор масканлардан бири "Тошкент трактор заводи" очик акциядорлик жамиятига қарашли баҳо тоғ ён бағрида жойлашган "Билдирсой" номи болалар соғломлаштириш оромгоҳида болажонларимиз шифобахш

тоғ ҳавосидан баҳра олиб, тиниқ ва зилол сув ҳавзаларида мазза қилиб чўмилиб таътил гаштини суришмоқда.

— Оромгоҳда бу йилги мавсум тўрт сменада ташкил қилиниб, ҳаммаси бўлиб 2 минг нафар бола дам олади, — дейди оромгоҳ бошлиғи Бахрид Хайитбоев. — Айни кунда учинчи сменада 10 та отряд бўлиб, 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган 737 нафар ўғил-қизлар мароқли ҳордик чиқармоқдалар. Улар орасида 10 нафар бола Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидир. Оромгоҳда болаларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Дам олувчилар кунига олти маҳал овқатланишди, турли хил ўйинлар, спорт мусобақаларида иштирок этишди ҳамда мавжуд иккита сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилиб сўнг дам олишди. Шунингдек, болажонларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун оромгоҳда тўртта тўғарак мунтазам фаолият олиб бормоқда. Булардан ташқари ҳар кун турли хил маданий-маърифий тадбирлар - "Кувнок

бақалари, туғилган кунлар, "Қамолот" ЁИХнинг Мирзо Улугбек туман Кенгаши томонидан "Ёзни "Қамолот" билан" мавзусида қизқарли тадбирлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга болалар учун турли қизиқarli кинофильмлар, концерт дастурлари намойиш этилмоқда.

Дарҳақиқат, оромгоҳда китобсевар ёшлар учун 1600 китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳам мавжуд бўлиб, болалар ҳар кун уларни ёқтиради. Турли мавзудаги бадий китоблар ҳамда газета-журналларни ўқиб бир олам таассуротга эга бўляптилар. Яқинда "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими вакиллари ҳамда радио ва газета муҳбирлари, шоир ва ёзувчилар, ёш санъаткорлар ушбу оромгоҳда болалар даврасида бўлиб қизқарли учрашувлар ташкил қилишди. Мирзо Улугбек туманидаги "Гулистон" маданият уйининг бадий хаваскорлари кувнок куй-қўшиқлар ижро этиб, болажонлар қалбига бир олам қувонч ва завқ бағишлашди. Шу кун "Маънавият ва маърифат" марказининг Мирзо Улугбек туман бўлими томонидан оромгоҳдаги кам таъминланган оила фарзандларига чиройли майкалар ва дафтарчалар совға қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, оромгоҳнинг туртинчи сменасида Қорақалпоғистон Республикасидан ҳам 60 нафар боланинг дам олиши режалаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда азиз фарзандларимиз сўлим оромгоҳлар кўйида мазмунли дам олиб, соғлом ва бақувват бўлиб қайтадилар. Зеро мана шу соғлом авлодимиз шу азиз Ватан, мустақил Ўзбекистонимиз келажагидир.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: "Билдирсой" болалар соғломлаштириш оромгоҳида болалар ёзни мана шундай мазмунли ўтказишмоқда.
Наталья Семёнова олган суратлар.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● **ХИКОЯТ.** Бир тўлки ўрмонда яшар эди. Бир кун эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товўкка кўзи тушиб қолди. Уни тутишга бел боғлади. Шу пайт унинг қулоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дархат тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарсани кўрди. Иштакиси аланга олди. Уша семиз нарсасига эришиш мақсадида юз ранку кулфат билан дархат тепасига чиқди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарса йўқ эди. Тўлкининг очкўзлиги туфайли бу ногора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дархат шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқаётган овоз эса ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тўлкининг дили ҳасрат ўтидан куйиб надомат ёшларини тўқди. Сўнг ўзига деди: "Эсин, бу ҳаводан шмишган нарсани деб ҳалол сайдимни қўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўғон гавдадан ҳеч манfaat етмади!" Қўлга:

Ногора даранглар
тинимсиз вале,
Ичи бўшдир, бундан
нима фойда бор?
Ақлинг бўлса ишининг
тагини ўйла,
Ялтироқ ташига
қилма эътибор!

● Азизим, сен душман сўзи-га дархол ишониб қўя қолма, унинг сўзлари хийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсади-га эришиш учун ўзини ниҳоятда мулоим қилиб кўрсатади. Сени гафлатда кўргач, тадбир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен учун чора-тадбир кўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надомат ёрдам бермайди. Чунки айтадилар:

Душман иши аввал
хийла-ю найранг,
Сўнг хужум бошлади
қилади гаранг.
Бу селнинг йўллари
тўсилмаса гар,
Юзланар беҳисоб
фитна-ю зарар.
Фитна йўлин бутун
тўсмасанг маҳкам,
Эртага кучаяр бўлиб
мустаҳкам!

● Айтадилар:
— Ақли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлғончи, кўрқок, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради.

Хар киши ўз ақлидан
оғох бўлар,
Ўзидан гўмроҳ бўлар!
Душманинг эса сенинг
зарар топишингни
ўйлайди.
Хар киши ўз душманини
кучсиз санар,
Бир кун кучли
зиёнидан ёнар!
Ҳасадчи эса
бор-шудиндан
ақралишингни
истайди:

Ким ҳасад қилса
бировнинг молига,
Охири бўлди анинг
вой холига!
Ёлғончи эса фирқинини
бузиб кўрсатади:
Кимки ёлғон сўзласа
ризки кетар,
Бир кун ёлғон
сўзи бошга етар!
Кўрқок дадилликдан қайтарди. Бахил эса бойлик тўғлашга ҳарисманд бўлади ва ундан бировага фойда етмайди:

Молу ҳолинг аслида
душман эрур,
Зоҳиран боксанг
неча равшан эрур!
Нафсига берилган киши ҳо-ҳавасининг асири бўлиб, нафс тўридан қутулишга кучи етмайди:
Меҳнатнинг бирла
нафсага бер жазо,
Қилмасин токи
балога мубтало!



Омла
давраида

сүхбатлар

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви бири кам дунёнинг кўзгуси, десам хато бўлмас. Галдаги кўрсатув жафодаш «Сөглом авлод учун» жамағармасининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унда биз инсонни қадрлаб фидойилик билан халқимизга хизмат қиладиган юртдошларимиз билан бирга, муомала маданиятидан буткул йироқда бўлганларни, бағри тош, оила деган муқаддас неъматни оёқ ости қилиб ҳатто ўзи фарзандини тан олмаган ҳайвоний ҳислатларга эга отанинг қурбони бўлган она-изорнинг чин инсийи фазилатларга эга, ҳазрати инсонлар кўмағида ҳаёт чангалзорини мардона босиб ўтиб, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиб, кўзининг оқу қораси — бўйи етиб қолган бетоб қизи ондан қайта туғилгандай ҳаётга қайтиб, дилдан қувнаб умргузаронлик қиладиганини кўриб, бу кўрсатувнинг муаллифига, унга жон ато қилган режиссёргаю маромига етказиб ижро этган актёрларга, шу билан бирга тасвирчига тасаннолар бўлсин дедик.

Мурчиш горраҳаларида

ТАҚДИРИНИ ИНСОННИНГ ЎЗИ ЯРАТАДИ

Кейинги пайтда аср вабоси номи билан гиёвандлик деган бало кириб келиб, бунинг оқибатида ўғирлик, юлчилик, босқинчилик ва ниҳоят қотилликдек кечириб бўлмас оғир жиноятларга қўл урганларга ачинасан киши.

Худди шунга ўхшаш ичкиликбозлик деган иллат натижасида одамгарчиликдан чиқиб, жар ёқасида қалқиб турганлар назаримда оилалар, бола-чақали бўлганларида дунёга нима учун келганлари нима қилишлари кераклигини ҳатто билолмай қолаётганларига нима дейсиз. Ана шундайларнинг бири маҳалламиздаги Малоҳат аянинг яккаю ёлғиз ўғли бўлиб, ая ўзини қанчалик тетик, туриш-турмушидан мамнун кўрсатмасин, ёлғизгинаси икки фарзанднинг отаси бўлганида ичкиликбозлиги натижасида ишдан ҳайдалиб, тавбасига таяниш ўрнига ҳар кун ичиб келишини қанда қилмаслиги онанинг юрак-бағрини эзди.

«Касалини яширсанг иситмаси ошкор қилар, деганларидек келиннинг акаси қуёвини давлатдоти, маҳалламиз фаоллари ўртага олишиб панду насихатлар қилишиб, Яратгандан инсофини сўрашиб, бўлмади. Қўза кунидан синади, деганларидек қўза ташланмайдиган жойгаги чоғнага пиёлалар, косяу лиқобларни ўғринча олиб чиқиб сотиб ичкиликка сарфлаши ошкор бўлди. Афсус ичкиликбозлик одамни шу даражада субутсиз, ёлгончи қилиб қўяр экан.

Чинни асбоблардан ташқари яна анча-мунча уй-рўзгор буюмлари сотилиб кетгани маълум бўлгач келин зор-зор йиғлаб энди бу уйда яшамайман, кетаман, деб туриб олди.

Онаизор бағри дили эзилиб, «Болажоним, мен сизни ҳеч қасрга кеткизмайман. Бу хонадон сизларсиз, мана бу қоракўз набираларим-сиз гўристонга айланадику. Илло мана бу оқпадар, ношуқур банда кетади! Бу менинг қатий сўзим», дебдилар.

«Отанг раҳматли бир бошингги икки қилиб
Яратган эгамга шукроналар билдириб, бирин-
ни набирасини қанчалар қувнаб бағрига босиб
узоқ умр, бахт-саодат тилаган, ўлими олиддан
оталик насиҳатини бериб, рози-ризалик бил-
дирмаганимди, бетовфиқ! Отангнинг руҳи-поки
қақшамасмикин, балбақ! Оқпадар. Йўқол, ме-
нинг сендек ўғлим йўқ», дея фотиҳага қўта-
рилган қўлларида титроқ туриб, бояқиш она
хушидан кетиб йиқилибди. Шошиличк келган
«Тез ёрдам» кўмағида онализор ўзига келган.

Ўз бахтидан юз ўтирган бетовфиқ бу ўғил қилмишларидан ҳали кўп пушаймон қилади. Ота-онасини норози қилгани учун икки дунёда хору зор бўлади.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ

Педагог маслахати

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ахлоқий тарбияни болаликдан бошлаш керак. Ёшлиқда ўзлаштирилган яхши одатлар хулқ-атворга сингиб кетади. Бола қанча ёш бўлса, тарбиявий таъсирга шунчалик берилувчан бўлади. Бола хулқ-атворининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан ота-онага, оилада қабул қилинган тартиб-қоидаларга, одат-ларга боғлиқ.

Боланинг ахлоқий камолотида оила ҳал қилувчи омил. Катталарнинг феъл-атвори, юриш-туриши, бошқалар билан муносабати, умуман ҳар бир икки-чикири бола назаридан четда қолмайди ва унинг тақдир қилишига манба бўлади.

Ойлада ҳаёт тарзи боланинг вазмин, ҳушдорб, сўзга қирадиган ёки аксинча, тартибсиз, гапга қулоқ солмайдиган бўлиб ўсишига сабаб бўлади. Бунда катталарнинг болага талабчанлиги, оқило- на севиши катта ўрин тутadi. Демак, болани ўз ҳулқ-атвори учун жавобгар- лика ўргатиш ва шу билан бирга унинг инсонийлик қадр-қимматиини ҳурмат қилиш, болаларга ҳос шаъниини камсит- маслик лозим. Бунинг маъноси болага нисбатан каттиққўл ва сезгир бўлиш боланинг кўнгилда нима қечаётганили- гини, нимага мойиллигини, талаби, ин- тилиши ва кечинмаларини билиш ва унинг қалбига тўғри йўл топишига эри- штидан иборатдир.

Болага ортикча эрк бериш, ўринсиз талабларини вақтида рад этмаслик ва уни оила имкониятлари билан ҳисоблашиш зарурлигига ўргатмаслик бола хулқининг бўзилишига олиб келади.

Оилада бола маълум меҳнат топшириғини бажаришга ўргансин, бу иш учун у бошқалар олдида жавобгарлик ҳиссини сезишга одатлансин. Бола ёшлиқда нимага ўргатилса, у шунга одатланади.

Болани гўдақликдан яхши хулқ-атвора-
га ургатиш керак, бу одатлар бора-бора
мустаҳкамланиб, боланинг қундалиқ
эҳтиёжига, хулқ-атвориغا сингиб кета-
ди. Ота-она бола хусусиятларини яхши
билиши, қалбига йўл топиши лозим.
Қаъбий кун тартиби, таъмулни ҳаёт,
унинг фойдали иш билан бандлиги ёмон
хулқ-атворнинг олдини олишнинг энг
маъқул, тўғри усулидир.

Бола тарбияси узоқ ва давомли педагогик жараён бўлиб, у сабр-қаноатли, талабчан бўлишни талаб этади. Бола

бирор ноҳўя иш қилиб қўйганда, уни ҳазолашдан олдин бола гуноҳининг сабабларини, ёмон одатлар қардан келганини ўрганишни унутмаслик керак. Бола ҳулқининг бузилишига қўпчанга аниқ кун тартиби (режим)нинг йўқлиги, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, меҳнатга солмаслик, оила аъзолари ўртасидаги ноаҳиллик, уйдаги тартибсизлик, режа-сизлик, талабчанликнинг меъёрида бўлмаслиги сабаб бўлади.

Эшлик даврининг хусусиятлари ота-она зиммасига болага тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини танлашдек масъулиятни юклайди. Агар катталар болага эътибор билан қараб, унга ишонса, у билан мулоим муомалада ва шу билан бирга адолатли, талабчан бўлишса, бола ҳам ота-онага итоаткор, айтганларини қиладиган хушодоб бўлади.

Ота-она болани яхши хулқ-одобга ўргатишда тарбиянинг таҳминан қуйидаги синналган энг маъқул усулларидан, унумли фойдалана олишлари керак, ҳулаҳдан: ўзининг яхши ибрати билан болани яхши нарсаларга, одатларга ўргатиб, одатларини бориш; у ёки бу одатнинг яхши ёки хунук эканлигини тушунтириб, яхши одати қилишга, ёмонни қўлмасликка болани ишонтира бориш; ўрни қолганда насихат қилиш; қатъий танбеҳ бериш; бола билан вақтинча гаплашмаслик; унга нисбатан муносабати ўзгартриш; эркалашмаслик ва бола айбини оила аъзоларининг ҳаммасига айтишчи эслатиш; бўлиб ўтган воқеа ҳақида оила аъзоларининг фикрини қўзғатиш. Болага қўлиб қўйган номаъқул ишини кўрсатиш усули, яъни “қўполлик қилиб, қўнгилни қолдирди, кеңирим сура” дейиш унга қаттиқ таъсир қилади.

Оила педагогикаси боланинг ёмон хатти-ҳаракатини ўз вақтида йўқотиш, унга тарбиявий таъсир этиш мақсадида куйидаги жазо турларидан фойда-

ланишни тавсия этади: кесатиш, уялтириш, совуқ қараш, эътибордан қолдириш, маълум муддатга гапиришмай қўйиш, оилавий йиғинда гапириб қизартириш.

Айрим ота-оналар болани дўқ-пўлиса, кўрқитиш билан гапга кулоқ соладиган қилмоқчи бўладилар. Ёки бирор нарсани ваъда қилиб, ўзига қаратиб олишига интилишади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам болада ёмон одатлар тарбияланади. Болага тан жазоси бериш, қалтак билан тарбиялаш мутлақо хатоҳидир. Бу болага нисбатан ўта бераҳмлиқ, тошорақлиқдир. Қалтак билан тарбиялаш, ота-онанинг ўзини тута билмаслиги қатталар шаънига ярашмаган ҳуқуқ одат. Қалтак зарбидан тарбияси қажшай, боланинг дили ғариб бўлади, у ҳўрланади, камгап, алламзада бўлиб қолади. Ёлгон сўзлашга уринида, атайлаб қатталарнинг жигига тегиб, қайсарлик қилади. Нотўғри тарбия оқибатида болада пайдо бўлган ёмон одатларни ўқотиш, уни қайта тарбиялаш ачина қийин иш. Бундай ҳолатда аввало боланинг турмуш шароитини ва шу қадарча қатталар билан бўлган ўзаро алоқасини ўқинатиш керак. Бунини аста-секинлик билан қилиш лозим.

Хадёб болага узундан-узоқ панд-на-
сихат қилиш, арзир-арзимасга туртки
лайвериш, таъна қилиш ярамайди. Ях-
сиши содир бўлган воқеага нисбатан
хайрон бўлганлигингизни билдиринг.
Болага бу ҳолини беҳос содир бўлган
мустасно воқеа деб тушунтиришга ҳара-
кат қилинг.

Умунан, болага таъсир этишининг қайси усулидан фойдаланманг, бола шахсиятини ҳурмат қилишга одатланганинг, унда яхши бўлиш истаги уйғонсин.

Ойша ТўРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика университети
профессори.

Ғей бекалари, Сизлар учун

Айтайлик уйингизда юмшоқ нон тугаб қолди. Лекин суви қочган ёки қаттиқ нонни эҳтиёт қилиб қўйгандирсиз. Уни албатта янгилаш ва истеъмол қилиш мумкин.

● Тухумни ийлаб тўғралган қаттиқ нон бўлақларини ботириб қўйсиз. Сўнг ёғда қовуриб ўз селига 5-7 дақиқа димлаб қўйсангиз, юмшаб ғоят лаззатли таом ҳосил бўлади.

● Қаттиқ нон озиқагина эмас, балки кўпгина хасталикларга шифо ҳамдир. Масалан ошқозон бузилиб ич кетганда кун давомида қаттиқ нон истеъмол қилиб кетидан бир пиёла қатик ичилса касаллик тўхтайд.

- Милклар қочиб, тиш бўшагганда ҳам каттиқ нонни чайнаш

керак. Сариқ касалига чалинган бемор анор шарбатига қаттиқ
нонни ботириб истеъмол қилса, шифо бўлишини табиблар таъ-
кидлашган. Шунингдек фасодли ярага қаттиқ нон билан бирга
қўй ёйилан олдинги жизза майдалаб қўйилса фойда қилали.

● Қаттиқ ноннинг фойдали хижатлари шунчалик кўпки, бу ҳақда кўпчилик билмаслиги мумкин. Кўнгил беҳузур бўлганда қайноқ сувга қаттиқ нонни ивитиб, докдан сузиб суви ичилса киши анча бардам ва тетик бўлади.

● Кўнгул айнаб, еганини қайт қилганда, ошқозонида ачишиш пайдо бўлган беморларга ҳам Абу Бакр ал Розий нонни асалга ботириб ейишни тавсия қилган.

Бўи вақтингизда

СКАНВОРД

[illegible]

Тўзувчи Фозилжон ОРИПОВ

Спорт

ТАЖРИБАЛАРИ
ОШМОҚДА

Канаданинг Монреал шахрида сув спорти турлари бўйича XI жаҳон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етмоқда. Ниҳоятда қизиқарли ўтаётган турнирнинг сув по- лосида бўйича баҳсларида мам- лакашимиз аёллар терма жа- моаси ҳам иштирок этмоқда.

Шуни айтиш керакки, қўрға натижаларига қўра, қизларимиз С гуруҳидан жой олишди. Гуруҳ баҳсларида жаҳон ватерполида етакчилардан ҳисобланмиш Россия, Янги Зеландия ва Греция спортчилари билан куч синашиш- га тўғри келди. Қизларимиз учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтаган маз- кур нуфузли турнирнинг гуруҳ баҳсларида рақибларимиз йирик ҳисобларда ғалаба қозонишди.

Энди сўнгги ўйинда аморт- ларимиз 15-ўрин учун курашда Хитой терма жамоаси билан ўзаро куч синашишди.

РЕСПУБЛИКА
БОСҚИЧИДА
ҚАТНАШИШАДИ

Маълумки, болажонлари- мизнинг соғлом ва дуркун ўсишларини таъминлаш, уларни ёшликдан оммавий спортга жалб этиш мақсади- да ҳар йили анъанавий тарз- да Оксиколлар Кенгаши ва «Маҳалла» жағғармаси, «Ка- молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағғар- маси каби қатор ташкилот- лар томонидан «Футболимиз келажаги» мусобақалари ўтказиб келинади.

Хозирда мусобақанинг ҳар хил ёш тоифалари бўйича шахар бо- сқичи баҳслари поёнига етмоқда. Хусусан, дастлаб 13-14 ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган тур- нирнинг финал ўйинида Чилонзор туманидан «Гуллистон» маҳалла- сининг ёш футболчилари ғалаба қозонганлиги ҳақида хабар бер- гандик.

Куни кеча эса 11-12 ёшли бо- лалар ўртасида ҳам «Футболимиз келажаги» турнири шахар бо- сқичининг ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

«Пахтакор» марказий стадио- нда ўтказилган финал баҳсида Чилонзор туманининг «Шарк» ҳамда Юнусобод туманининг «Шодлик» жамоалари ғалаба учун кураш олиб боришди. Бу гал ҳам омад чилонзорликларга қулиб бокди. Хужумкор ва серхасул ўйин кўрсатган «Шарк» футбол- чилари рақибларини 3:0 ҳисоби- да енгиб, турнирнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ярим финалда маглубиятга учраган ҳамза туманининг «Дўстлик» ҳамда Миробод тумани- нинг «Билимдон» жамоалари учинчи ўрин билан қифояланиш- ди.

(Ўз мухбиримиз)

«Шарк» нашриёт-матбаа ак- циядорлик компанияси жамо- аси автограҳ ҳайдовчиси Мир- зокир Каримовга отаси **МИРЖАЛОЛ отанинг** вафоти муносабати билан чу- қур таъзия билдиради.

Албатта ушбу учрашувдаги муваффақият «Плей-офф» босқичида Бахрайн термаси билан учрашув учун, сўнг эса КОНКАФ гуруҳидан чиққан жамоа билан якуновчи баҳсга йўл очиши мум- кин. Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз футбол федераци- яси мутасаддилари масалага чуқур масъулият билан ёндошиб, муваф- фақият «калители»ни излаётганлари сир эмас. Албатта, тажрибали бош мураббийнинг оқилона фаолият юритиши ҳал қилувчи масала экан- лигини ҳисобга олган ҳолда фе- дерация раҳбарларининг музока- ралари тудайли англоиялик 58 ёшли Роберт (Боб) Хоугтон куни кеча терма жамоамизга янги бош мураббий этиб тайинланди.

Янги мураббий фаолияти хусу- сида шуни айтиш мумкинки, у олти йил давомда Англиянинг «Фул- хэм», «Брайтон» ҳамда «Мейдстон» жамоаларида тўп суриб катта фут- болни эрта тарқ этган. Эътиборга лойиқ томони шундаки, Р.Хоугтон фаолияти давомида жуда кўп жа- моаларни мураббий сифатида бо- шақарган. Улар орасида энг кучли ва номдор жамоалар Швейцариянинг «Мальмё» ва «Гетеборг», Швейца- риянинг «Цюрих», Англиянинг «Ноттингем Форест» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал Иттиҳод» командалари- дидир. Шунингдек, 1998-2000 йилларда Хитой терма жамоасини бошқарган бўлиб, ушунга Осиё ўйинларининг финалига олиб чи- қишга муваффақ бўлган. Қизиги шундаки, ушунда Осиё ўйинларининг кумуш нишон соҳиби бўлган хитойликлар мамлакатимиз терма жамоаси устидан 2:0 ҳисобида ус-

тун келган эди. У мураббийлик қилган жа- моаларнинг уч карра Швеция чемпиони, Англия биринчи дивизиони ғолиби, тўрт

узайтирилиши мумкин.

Роберт Хоугтон терма жамоамизнинг ав- валги ўйинлари тасвирга туширилган видео- кассеталар билан пухта танишмоқ- да. Терма жамоа мураббийлари Равшан Хайдаров ҳамда Виктор Жалиловлар билан биргаликда шу ой охиригача давом этадиган машқ йиғинларини ўтказмоқда.

Ўтган куни «Бунёдкор» ёшлар телеклубида спорт журналист- лари билан ўтказилган матбуот анжуманида Роберт Хоугтон йи- гилганларни қизиқтирган савол- ларга жавоб қайтарди, ўзининг келгусига мўлжаллаган режа- лари билан ўртоқлашди. Шуни таъкидлаш жоизки, Хоугтон Қувайт билан кечадиган ўйинда қандай таркиб билан ҳаракат қилиниши тўғрисида узил-кесил фикрга келмаганлиги, бу бора- да 10 августда Туркменистон терма жамоаси билан ўтказила- диган ўйин кўп нарсани ойдин- лаштиришини қайд этди. Шун- дай бўлса-да, ҳар ҳолда Ўзбе- кистон терма жамоасида Қувайт ва Бахрайн командаларини мағ- луб этиш учун куч ва имконият етарли эканлигини ҳам таъкид- лаб ўтди.

Биз Роберт Хоугтоннинг кўп йиллар мобайнида қатор жамоаларга мураббийлик қилиб, катта тажриба тўпла- гани ва салмоқли натижаларга эришганини ҳисобга олган ҳолда терма жамоамиз ол- дига қўйилган вазифани удалай олишига умид қиламиз. Ҳар ҳолда 17 августда ўт- казиладиган ўйин кўп нарсани ҳал қилади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Футбол

ТЕРМА ЖАМОАДА
ЯНГИ МУРАББИЙ

Маълумки, мамлакатимиз футбол жиддий ва муҳим имтиҳон арафасида турибди. 17 августда Тошкентда Қувайт термаси билан ўтказиладиган жаҳон чемпио- нига саралаш турнирининг сўнгги учрашуви миллий жамоамиз энг нуфузли турнирга йўлланма оладими ёки йўқми ана шу масалани узил-кесил ҳал қилади.



бора Швеция Кубогининг соҳиби бўлган- лиги ҳам Роберт (Боб) Хоугтоннинг тажри- бали ҳамда иқтидорли мураббий эканлиги- дан далолат беради.

Хозирча янги бош мураббий билан 4 ойга шартнома тuzилди. Агарда терма жа- моамиз ўйини кучайиб, қониқарли нати- жалар қўлга киритилса, шартнома муддати

ЁШЛАР РОССИЯ ТАРИХИНИ
БОСИШАДИ

Тошкент олий ўқув юртлири талабалари Ренат Килькеев, Вита- лий Ситников ва Ренат Бакиев «Россияни кашф эт» интеллектуал кўрик-танловининг ғолиблари бўлишди. Россиянинг Ўзбекистонда- ги элчихонасида ўтказилган тантанали маросимда уларга бош со- врин «Москвага бир ҳафталик сафар қилиш йўлланмаси» берилди.

Кўрик-танлов ғолибларини Рос- сия Федерациясининг Ўзбекистон- даги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин қизғин қутла- ди. Элчи синов қисқа фурсат ичи- да ўтганлигига қарамай, унинг иш- тирокчилари ўз билимларини ёрқин намойиш қила олишганини қайд этди. Дипломатнинг таъкид- лашича, энг муносиб номзодлар- нинг номларини аниқлаш осон кечмади, лекин барибир ҳақамлар ҳайъати етакчи ушқлини саралаш- га муваффақ бўлди. Шу тариқа бош соврин — Москвага етти кунлик сафарга мутлақ даъвогарлар аниқ- ланди. Сафар Россия элчихонаси ва асосий ҳомий — «Трансаэро» авиакомпанияси кўмагида Москва ватандошлар уйи ҳамкорликда ташкил қилинди.

— Кўрик-танлов иштирокчилар- нинг билимларини ҳақамлар ҳайъати раиси Анатолий Сагдулла- ев ҳам юксак баҳолади. Сагдулла- ев йигитларни қутлаб, бундай тал- бирларнинг ўтказилиши, уларда ёшларнинг иштироки халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун хиз- мат қилишини таъкидлаб ўтди.

Ўйлашимча, бу сўнгги кўрик- танлов эмас. Бу фақат бошланиш- ни, холос, — деди А.Сагдуллаев. — Кўрик-танловда асосан Тошкент талаба ёшлари иштирок этишди. Ўзбекистонда Россия маданияти ва

тарихига эҳтиром билан қарайди- ган талабалар ҳали қўлаб топи- лади ва улар келгуси кўрик-тан- ловларда иштирок этиш истагида.

Мен кўрик-танловда биринчи ўринга сазовор бўлганимдан жуда мамнунман, — деди Ренат Киль- кеев. — Ўйлаيمانки, синовда иш- тирок этганим менинг фойдамга. Унинг асосий ғояси ёшларга Рос- сия тарихи, бу давлатнинг ҳозир- ги тараққиёти тўғрисида тасаввур қилиш имконини беради. Бу эса биз ёшлар ўсиб-ўлағайиб Ўзбекис- тон билан Россия ўртасидаги ҳам- корликни мустаҳкамлашимиз учун, фақат ишончли шерик эмас, шу билан бирга яхши қўшнилар бўлишимиз учун ғоятда аҳамият- лидир.

«Россияни кашф эт» кўрик-тан- ловида икки юздан зиёдроқ ёш йи- гит-қизлар иштирок этди. Улар орасидан энг кучли бўлган 20 на- фар ёш йигит-қиз иккинчи босқич- га йўлланма олди. Вазифалар ғоятда мураккаблиги билан ажра- либ турди. Барча даъвогарлар ўзла- рининг юксак билимларини кўрсатишди.

«Трансаэро» авиакомпанияси, «Коском» кўшма корхонаси ҳамда «Труд» газетасининг Ўзбекистон- даги ваколатхонаси кўрик-танлов ҳомийлари бўлишди.

«Туркистон-пресс»

Тошкент тadbirkorлик коллежи томонидан 2004 йилда Абдурахмонова Шахноза Фармоновна номига берилган Т-212672-сонли диплом йўқолган- лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;

факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.
2496 нусxada босилди. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Мунажжид башорати

ЁҚИМЛИ
ХУШХАБАРЛАР

29 ИЮЛЬ, ЖУМА

Ха, бугун сизни ёқимли хушхабарлар, яхши ян- гиликлар, қувончли воқеа-хадисалар қутаяпти. Му- нажжидлар шуни ваъда қилишяпти. Яна мунажжид (уларни сиз яхши танийсиз)лар бугунги кунни ўзга- ришлар, қутилмаган, ғалати ёки олдиндан бўлиб бўлмайдиган воқеа-хадиса кунни деб таърифлашган.

Шу воқеалар гирдобиди янглишмаслик, хатоларга йўл қўймаслик учун, тўғри йўл тутиб, омадини қўлдан чиқар- маслик мақсадида ички туйғуларингизга қулқ солишин- гиз керак бўлади. Ўз ҳаётингизда кескин ўзгаришлар яса- шингиз, сафарларга йўл олишингиз, танишлар орттириб, битимлар тузиб, нуфузли кишиларга ёрдам сўраб муро- жат қилишингиз яхши натижа беради.

Бирок, шу кунни манманлик, ўзига бино қўйиш, ўз куч ва имкониятларига ортиқча баҳо беришга мойиллик қилиш бўлишини ёдингизда тутиш. Шунинг учун ибво ва фиску- фасодларга учмай, бировлар билан муносабатларингиз- ни аниқлашга, беҳуда таваккалчиликка ҳаракат қилманг. Алдовлар ва сароблар тасвирга берилишдан ўзингизни асрагн. Одамлар кўп тўпладиган жойлардан нарироқ бўлинг.

Бугун илмий ишлар билан шуғулланиш, қурилиш қилиш, шартномалар имзолаш, ёзишмалар, адабий ижод, журналистика, ахборот аламушвар билан шуғулланиш мумкин. Лекин савдо-сотик, хизмат бўйича шерикчилик ва никоҳ ишлари учун бугунги кунни омадди деб бўлмай- ди. Соч ва тирноқларни олиш мумкин эмас.

Шамол ва булутлар бўйича сизни нималар қутаётгани- ни тахмин қилишингиз мумкин. Хидлар эса нималарга эътибор беришингиз кераклигини билдирувчи индикатор вазифасини бажаради.

Жума оқшоми қуриладиган тушлар башоратли бўлиб, улар раамлар орқали эмас, тўппа-тўғри талқин этилади ва тез кунларда ўнгингизда содир бўлади.

Бугун жаррохлик операциялари, айниқса, ўпка, қўл опе- рацияларида сақланган маъкул.

Кийим-кечақлардан ярқ этди кўзга ташланмайдиган, ранглари ўчганнамо либосларни танланг. Қора, қизил ва зарғалдоқ ранг кийимлардан бугунча воз кечинг.

БҮГҮН:

— бошлаб қўйилган ишларингизни давом эттиришин- гиз;

— ташқи кўринишингизга эътибор қилиб, косметикадан фойдаланиб, ўз кўрkingизни намойиш этишингиз;

— таниш-билишлар даврасини кенгайтириш;

— ўз хизмат бурчингизни, мажбуриятларингиз, ваъ- даларингизни ҳалол бажаришингиз;

— киймларингиз яхшилик қилиш, ёрдам қилини чўзиш;

— яхши маънода ҳавас қилиш билан муваффақиятлар- га эришингиз;

— театр, кино ва кўргазмаларга бориш тавсия этилади.

Гап талашин, гаров уйнаш, ҳамма нарсадан ўзин- гизни махрум этиб, даришона иш тутиш мақсадга муво- фиқ эмас.

Нашриёт етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақфиланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.



Муассис:
Тошкент шахар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32